

УДК: 618.5-091:611-018.4

БИРИНЧИ ҲОМИЛАДОРЛИКДА ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ БАЧАДОН ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ



Ахмедов Улуғбек Холбек ўғли¹, Мамадиярова Дилфуза Умирзаковна²

1 - Термиз иқтисодий ва сервис университети, Тиббий фундаментал фанлар кафедраси, Ўзбекистон Республикаси, Термиз ш.;

2 - Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗМЕНЕНИЙ СТРУКТУР МАТКИ ПОСЛЕ РОДОВ ПРИ ПЕРВОЙ БЕРЕМЕННОСТИ

Ахмедов Улуғбек Холбек ўғли¹, Мамадиярова Дилфуза Умирзаковна²

1 - Кафедра медицинских фундаментальных наук, Термезского университета экономики и сервиса, Республика Узбекистан, г. Термез;

2 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

PATHOMORPHOLOGICAL ASPECTS OF CHANGES IN UTERUS STRUCTURES AFTER DELIVERY IN THE FIRST PREGNANCY

Akhmedov Ulugbek Holbek ugli¹, Mamadiyarova Dिल्фуза Умирзаковна²

1 - Department of Medical Fundamental Sciences, Termez University of Economics and Service, Republic of Uzbekistan, Termez;

2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: dilfuza-mamadiyarova@mail.ru

Резюме. Бачадоннинг чўзилган синдроми туфайли биринчи ҳомиладорликда олиб ташланган 18 нафар аёлдан олинган жарроҳлик материаллари патоморфологик текширувдан ўтказилган. Аниқланганки, бачадон тузилмаларида асосон гидроник дистрофия, лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари кўпчиликини ташкил этади. Айниқса уларда мушаклараро кучли шишиниши, ва миоцитларнинг узоқ масофаларгача чузилиб ётиши, қоннинг мушаклар оралиқларига кўп миқдорларда сурилиши миоцитлар чузилиши ҳисобига томирларнинг буралиши ва қон томир девори буралган соҳаларда интима эндотелиоцитларининг десквамация ўчоқлари, плацента бириккан соҳаларда кучли диapedез қон қуйилишлар кузатилади.


Калим сўзлар: ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги бачадон, дистрофия, шиш, қоннинг сурилиши, диapedез қон қуйилиши, десквамация, склероз.

Abstract. Surgical materials from 18 women who underwent a hysterectomy during their first pregnancy due to uterine prolapse syndrome were subjected to pathomorphological examination. It was found that the uterine structures are mainly characterized by foci of hydropic dystrophy and leukocyte infiltration. In particular, they are characterized by severe intermuscular edema and long-distance stretching of myocytes, large amounts of blood being pushed into the intermuscular spaces due to myocyte stretching, torsion of vessels due to the twisting of the blood vessel wall, and foci of desquamation of intimal endothelial cells in the areas of blood vessel wall torsion, and severe diapedetic hemorrhages in the areas of placenta attachment.


Keywords: pregnancy, postpartum uterus, dystrophy, edema, blood absorption, diapedetic hemorrhage, desquamation, sclerosis.

Кириш. Ўзбекистонда репродуктив саломатлики муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни асраш соҳа олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда оналар ўлимининг асосий сабабларидан бири оғир акушерлик қон кетиши бўлиб, у ёш оналар ўлим


ҳолатларининг 25 фоизига яқинини ташкил этади [1]. Акушерлик қон кетишининг ривожланишида бир қатор патоген омиллар иштирок этади, улар орасидан бачадоннинг контрактил қобилятига таъсир этувчи ҳолатлар етакчи аҳамият касб этади.



Расм 1. Бачадон миометрий қаватидаги диапедез қон қуйилишлари. Гематоксилин- эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 2. Бачадон миометрий қаватидаги қон томирларидаги склеротик ўзгаришлар. Гематоксилин- эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 3. Бачадон миометрий қаватидаги миоцитларнинг қузилиши, диапедез қон қуйилишлари. Гематоксилин- эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнида миометрийнинг нормал функцияси бузилиши қон кетиш хавфини кескин оширади, айниқса бачадон чўзилиш синдроми фонида бу хавф янада ортиши аниқланган [2, 4].

Бачадоннинг ҳаддан ташқари чўзилиши синдроми унинг ҳажмининг оғир даражада катталашishi, мушак толаларининг чўзилиши ва шунинг натижасида контрактил фаолликнинг пасайishi билан тавсифланади. Миометрийдаги мазкур функционал заифлик энг аввало қон томирлар тонусининг пасайishiга, перфузиянинг бузилишига, интерстициал шиш, миоцит дистрофияси ва қон сўрилишига олиб келади [3, 5]. Шу билан бирга, чўзилган бачадон тўқималарида метаболик ва морфологик дисфункциялар юзага келади, улар орасида гидропик дистрофия, миоцит некрози, диапедез қон қуйилишлари ва қон томир деворларида склеротик ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга [6, 7].

Биринчи ҳомиладорликда туғруқдан кейинги даврда бачадон тўқималарида юзага келадиган морфологик ўзгаришлар бошқа ҳомиладорликларга нисбатан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бирламчи ҳомиладорликда бачадон тузилмалари тўлиқ функционал етилиш босқичидан ўтувчи бўлгани боис, миометрийнинг

адаптацион қобилияти нисбатан паст бўлади, бу эса чўзилиш синдроми ривожланганда патологик жараёнларнинг янада яққол намоён бўлишига сабаб бўлади. Хусусан, бириктирувчи тўқима етарлича шаклланмаганлиги сабабли мушаклар орасига қоннинг кўп микдорда сўрилиши, миоцитларнинг кучли чўзилиши, лейкоцитар инфильтрация ва қон томир деворларидаги дистрофик ўзгаришлар кўпроқ учрайди. Плацента бириккан соҳаларда диапедез қон қуйилишларининг катта майдонни эгаллаши ҳам ушбу даврга хос морфологик белги ҳисобланади.

Ҳозирги кунда биринчи ҳомиладорликда бачадон чўзилиши синдроми фонида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни чуқур ўрганиш акушерлик амалиётида катта аҳамиятга эга. Чунки ушбу ўзгаришларнинг табиати ва тарқалиш хусусиятларини аниқлаш туғруқдан кейинги қон кетиш хавфини баҳолашга, вақтида профилактик ва даволаш чораларини белгилашга имкон яратади. Шу боисдан, миометрийнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини патоморфологик тадқиқ этиш оналар саломатлигини яхшилаш йўлида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бачадоннинг сузилиш синдромида биринчи ҳомиладорликда туғруқдан кейинги бачадон тузилмаларидаги ўзгаришларнинг патоморфологик жиҳатларини аниқлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида жарроҳлик муолажаларини олган жами 18 нафар бемор тизза бўғимидан олинган жарроҳлик материаллари Самарақанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси патологик анатомия бўлимида патоморфологик жиҳатидан ўрганилди. Бачадоннинг чузилган синдромида биринчи ҳомиладорликда туғруқдан кейинги бачадон тузилмаларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини патоморфологик жиҳатдан баҳолашда анамнестик, макроскопик,

микроскопик тадқиқот усулларида ўтказилди. Бачадондан олинган бўлакчалардан тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин-эозин бўёғида бўялди.

Натижалар ва муҳокамалар: Тадқиқот давомида биринчи ҳомиладорликда туғруқдан кейинги даврда бачадон чўзилиши синдроми сабабли экстрапация қилинган 18 та бачадон намунаси патоморфологик жиҳатдан ўрганилди. Гистологик препаратлар таҳлили миоетрийда чуқур дистрофик ва дегенератив ўзгаришларнинг шаклланишини кўрсатди. Миоцитларнинг аксар қисмида гидропик дистрофия белгилари қайд этилди; баъзи мушак ҳужайраларида цитоплазманинг вакуолизацияси ва структуранинг бўшашиши кузатилди. Алоҳида кўрув майдонларида миоцитларнинг тўлиқ некрозга учрагани, ядроларнинг йўқолгани, кариопикноз, кариорексис ёки кариолизис ҳолатлари қайд этилди.

Миоетрий тўқималарида қоннинг сўрилиши кенг тарқалган бўлиб, интерстициал бўшлиқлар қон билан тўлган ҳолда намоён бўлди. Айниқса плацента бириккан соҳаларда диапедез қон қуйилишлари жуда кўп учради; бу ўчоқлар тўқиманинг катта қисмини эгаллагани аниқланди. Микроскопик кўринишларда мушак толаларининг сезиларли даражада чўзилгани, уларнинг нормал архитектураси бузилгани, айрим ҳолларда толаларнинг сунгисида бўшаш ёки тўқима узлуклари кузатилди.

Мушаклар орасида интерстициал шиш жуда кенг тарқалган бўлиб, қатор ўчоқларда лейкоцитар инфильтрациянинг тез-тез учраши қайд этилди. Инфильтрат таркибида асосан нейтрофиллар устунлик қилди, бу тўқималардаги вторич яллиғланиш реакциясини кўрсатади. Баъзи майдонларда тўқималарнинг склерозланиш ўчоқлари, айниқса артериялар деворидаги склеротик ўзгаришлар аниқланди. Қон

томирларининг кенгайиши, уларнинг буралишга мойиллиги, интима ҳужайраларидаги дистрофик ўзгаришлар томир деворларидаги патофункционал бузилишларни намоён этди.

Морфометрик таҳлил натижасида диапедез қон қуйилишлари плацента бириккан жойларда майдоннинг 57,9 фоизини ташкил этгани, мушак тўқимаси эса 42,1 фоизни эгаллагани аниқланди. Мушаклар эгаллаган майдон улуши 37,5 фоиз, мушаклар орасидаги шиш эса 62,5 фоизни ташкил этди. Қоннинг сўрилиши 75,9 фоизгача етгани, тўқималардаги гиперемия ва тўлақонлилик даражасининг юқорилигини кўрсатади. Артериялар девори 27,6 фоизни, қон томир бўшлиғи эса 72,4 фоизни эгаллагани томирлар дилатацияси ва уларнинг тонусини йўқотганини тасдиқлайди.

Олинган маълумотлар биринчи ҳомиладорликда туғруқдан кейинги даврда бачадон чўзилиши синдроми миоетрийда чуқур морфологик ўзгаришларга олиб келишини кўрсатади. Мушак толаларининг гидропик дистрофияси, сақланмаган структураси ва айрим майдонларда некрозга учраши миоетрийнинг функционал барқарорлиги жиддий равишда бузилганини билдиради. Бу ўзгаришлар бачадоннинг нормал қисқариш қобилятини йўқотишга, натижада оғир акушерлик қон кетишининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Диапедез қон қуйилишларининг кўплиги, айниқса плацента бириккан соҳаларда, чўзилган ва заифлашган томир деворларидаги ўта нозиклик билан изоҳланади. Биринчи ҳомиладорликда бириктирувчи тўқиманинг нисбатан етарлича шаклланимаганлиги сабабли қоннинг интерстициал бўшлиқларга кўп миқдорда сўрилиши кузатилади. Бу ҳолат миоетрийдаги гемодинамик барқарорликни бузиб, қон кетиш ҳажмини янада кучайтиради.

Жадвал 1. Бачадон чузилган синдромида экстрапация қилинган бачадон тузилмаларидаги патологик жараёнларнинг ўзаро нисбати (%)

№	Биринчи ҳомиладорликда бачадон тузилмаларидаги ўзгаришлари		Кўрсаткичлар
1	Йўлдош тўқимаси бириккан соҳадаги диапедез қон қуйилишлар ва қуйилмаган мушак тўқимасининг ўзаро нисбати	Диапедез қон қуйилиш ўчоғи	11±0,48
		Қон қуйилмаган мушак тўқимаси	8±0,43
2	Бачадондаги мушаклар ва мушаклараро шишинишнинг ўзаро нисбати	Мушак	6±0,31
		Мушаклараро шиш	10±0,52
3	Бачадондаги қоннинг сўрилиши ва мушакларнинг ўзаро нисбати	Сўрилган қон	22±0,64
		Мушак	7±0,43
4	Бачадондаги мушаклар аро склероз ва мушакларнинг ўзаро нисбати	Мушак тўқимаси	18±0,65
		Мушаклар аро склероз	0,8±0,05
5	Бачадондаги қон томир девори ва бўшлиғининг ўзаро нисбати	Қон томир девори	8±0,34
		Қон томир бўшлиғи	21±0,46

Миоцитларнинг чўзилиб кетиши, артериялар деворининг буралишга мойил бўлиши ва улардаги эндотелиоцитларнинг кариопикноз, кариорексис ва кариолизисга дучор бўлиши томирларда ишемик-стаз процессларининг шаклланишини кўрсатади. Томир деворидаги десквация ўчоқлари уларнинг механик босим ёки метаболик бузилишларга чидамсизлигини акс эттиради.

Лейкоцитар инфильтрациянинг кўп учраши тўқималардаги микротравмалар ва некроз ўчоқларига жавоб реакцияси сифатида ривожланган. Бундай ўзгаришлар туғруқдан кейинги асоратларнинг кечишини янада оғирлаштириши мумкин.

Шундай қилиб, морфологик ва морфометрик маълумотлар бачадон чўзилиш синдроми биринчи ҳомиладорликда миометрий структурасини жиддий бузилишлар билан кечиши, тўқималарнинг юқори даражадаги қон билан тўлишини, мушак толаларининг чўзилиши, шиши ва некрозга мойиллиги қайд этилишини тасдиқлади. Бу жараёнлар туғруқдан кейинги қон кетиш хавфининг ошишига олиб келувчи асосий патоморфологик механизмлар ҳисобланади.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар биринчи ҳомиладорликда туғруқдан кейинги даврда бачадон чўзилиш синдроми миометрий тузилмаларида чуқур дистрофик, дегенератив ва гемодинамик ўзгаришларни келтириб чиқаришини яққол кўрсатди. Гистологик ва морфометрик таҳлиллар бачадон мушак тўқималарининг функционал заифлашуви асосан гидропик дистрофия, миоцитларнинг чўзилиб кетиши, уларда некроз ўчоқлари пайдо бўлиши ва ядро структурасининг бузилиши ҳисобидан намоён бўлишини тасдиқлади. Шу билан бирга интерстициал шишнинг кучли даражада ривожланиши, миометрийда қоннинг миқдор жиҳатдан кўп сўрилиши ва плацента бириккан жойларда диапедез қон қуйилишларининг катта майдонни эгаллаши бачадон тўқималаридаги патоморфологик ўзгаришларнинг оғир кечишини кўрсатди.

Қон томирлар деворида аниқланган склеротик ўзгаришлар, эндотелиоцитлардаги кариопикноз, кариорексис ва кариолизис, шунингдек қон томирларининг патологик кенгайиши ва буралишга мойиллиги миометрийда ишемия, трофик бузилишлар ва микроциркулятор ўзгаришлар ҳосил бўлганини билдиради. Томир деворининг бу каби заифлашуви қоннинг интерстициал тўқималарга сўрилишини кучайтириб, постпартум қон кетиш хавфини янада оширади.

Биринчи ҳомиладорликда миометрий тузилмаларининг бундай ўзига хос реактивлиги бачадоннинг тўлиқ морфофункционал етилиш

босқичини тўлиқ ўтаб улгурмагани, бириктирувчи тўқима элементларининг нисбатан кам ривожлангани ва мушак толаларининг чўзилишга кам бардошлилиги билан изоҳланади. Шу туфайли бирламчи ҳомиладорликда бачадон чўзилиш синдроми ривожланган ҳолларда патоморфологик ўзгаришлар тез ва оғир кечиши, шу жумладан миометрийнинг контрактил қобилияти кескин пасайиши эҳтимоли юқори бўлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, биринчи ҳомиладорликда бачадон чўзилиш синдроми туғруқдан кейинги даврда юзага келадиган оғир акушерлик қон кетишининг асосий морфологик заминини ташкил этади. Миометрийдаги дистрофик, геморрагик ва микроциркулятор бузилишлар бачадоннинг физиологик қисқариш қобилиятини кескин камайтиради ва гемостаз механизмининг етарлича ишламаслигига сабаб бўлади. Шу боис ушбу синдром билан кечаётган биринчи ҳомиладорликдаги беморларда патоморфологик ўзгаришларни чуқур ўрганиш, эрта диагностика ва профилактик чораларни белгилаш клиник амалиётда алоҳида аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, бачадон чўзилиш синдроми фонидаги морфологик ўзгаришлар ҳомиладорликнинг биринчи бор кечаётган ҳолатида энг яққол намоён бўлиши, уларнинг оғирлиги ва тез ривожланиши акушер-гинекологик амалиётда бундай беморлар учун алоҳида назорат ва хатти-ҳаракат алгоритмини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Олинган маълумотлар туғруқдан кейинги қон кетишни олдини олиш, миометрий функционал ҳолатини баҳолаш ва мувофиқ терапевтик тадбирларни белгилашда муҳим илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаева Л. С., Каттаходжаева М. Х., Сафаров А. Т., Сулайманова Н.Ж. Клинико-морфологические параллели при беременности, осложненной многоводием // Журнал исследований репродуктивного здоровья и уронефрологии 2021 №1. С 37-41
2. Вдовиченко, Ю. П., Жук, С. И., Мельник, О. В. (2011). Беременность двойней–двойное требование к материнскому организму (обзор зарубежной литературы) // Здоровье женщины, (1), 64-67.
3. Маслякова Г.Н., Малыбаева Е.Р. Морфологические изменения миометрия при различных видах акушерской патологии // Саратовский научно-медицинский журнал 2014; 10(4): 603–607.
4. Чечулина О. В., Юпатов Е. Ю., Давлятшина Л. Р. "Беременность и роды при генитальном про-

лапсе" Гинекология, выпуск. 23, №. 1, 2021, С. 88-91.9

5. Садчиков Д.В., Маршалов Д.В. Прогноз и интенсивная терапия массивной акушерской кровопотери // Анестезиология и реаниматология. – 2015. – №4. – С. 30-34.

6. Салов И.А., Маршалов Д.В. Прогноз и лечение массивной акушерской кровопотери // Вопр. гинекологии, акушерства и перинатологии. – 2014. – №2. – С. 29-33.

7. Zeng C, Yang F, Wu C, Zhu J, Guan X, Liu J. Uterine Prolapse in Pregnancy: Two Cases Report and Literature Review. Case Rep Obstet Gynecol. 2018 Oct 22;2018:1805153. doi: 10.1155/2018/1805153.

8. Ризаев Ж. А., Хайдаров А. М., Ризаев Э. Ф. Герпетический стоматит у детей, причины, симптомы, лечение // Журнал // Здоровье Узбекистана. Ташкент. – 2016. – №. 4. – С. 30-35.

9. Ризаев Ж. А., Мухамедова З. М. Социальная ответственность и здоровье //Academic research in educational sciences. – 2022. – №. 2. – С. 7-11.

10.Ризаев Ж. А., Нарзиева Д. Б., Фуркатов Ш. Ф. Регионарная лимфотропная терапия при фурункулах и карбункулах челюстно-лицевой области // ТОМ-1. – 2022. – С. 386.

11.Ризаев Ж. А., Рузимуротова Ю. Ш., Тураева С. Т. Влияние социально-гигиенических факторов труда и быта на здоровье медицинских сестер // Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 922-926.

12.Kubaev A. S. et al. Patients associated injuries with fractures of the maxillofacial region: 118 patients review // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 90-94.

13.Rizaev J. A., Shamsiev J. A., Zayniev S. S. Ways to optimise patient outcomes and improve the quality of medical care in surgically correctable congenital malformations in Samarkand //European Journal of Research Development and Sustainability. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 45-48.

14.Rizaev J. A. et al. Morphological Changes in the Oral Mucous Membrane in Patients with COVID-19 //American Journal of Medicine and Medical Sciences. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 466-470.

15.Rizaev J. A. et al. Morphological picture of the resistance of experimental rats against the background of carcinogenesis //Actual problems of dentistry and maxillofacial surgery. – 2021. – С. 677-678.

16.Rizaev E. A. et al. Optimization of guided bone regeneration in conditions of jaw bone atrophy // Applied Information Aspects of Medicine (Prikladnye informacionnye aspekty mediciny). – 2022. – Т. 25. – №. 4. – С. 4-8.

17.Starovoitova A., Ulezko A., Stoma I., et al. Microbiome-associated prognosis of congenital pneumonia in premature infants: ai as a way of integration into clinical practice. Azərbaycan Pediatriya Jurnalı. 2024;2:105–112.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗМЕНЕНИЙ СТРУКТУР МАТКИ ПОСЛЕ РОДОВ ПРИ ПЕРВОЙ БЕРЕМЕННОСТИ

Ахмедов У.Х., Мамадиярова Д.У.

Резюме. Проведено патоморфологическое исследование операционного материала 18 женщин, перенесших гистерэктомию во время первой беременности по поводу синдрома выпадения матки. Установлено, что в структуре матки преобладают очаги гидротической дистрофии и лейкоцитарная инфильтрация. В частности, для них характерны выраженный межмышечный отек и протяженное растяжение миоцитов, проталкивание большого количества крови в межмышечные пространства за счет растяжения миоцитов, перекрут сосудов вследствие перегибания стенки кровеносного сосуда, очаги десквамации эндотелиальных клеток интимы в местах перегиба стенки сосуда, а также выраженные диапедезные кровоизлияния в местах прикрепления плаценты.

Ключевые слова: беременность, послеродовая матка, дистрофия, отек, всасывание крови, диапедезное кровоизлияние, десквамация, склероз.